



Taqiqot.uz



ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

TOMAS ALVA EDISON
(1847-1931)

2022
MART
№38



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
2-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-2**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-2**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 38-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохода Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги хузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

1. Қаландарова Зухра	
НАЖМИДДИН КУБРО	7
2. К.Т. Сайдазимов	
БАҲОЛАШ ВА НОРМАЛАР МАНТИФИДА БИЛИМЛАРНИНГ ЧИНЛИГИ	
МАСАЛАСИ	9
3. Джуманиёзова М.	
АБУ АЛИ ИБН СИНО ХОРАЗМДА	11



ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

НАЖМИДДИН КУБРО

Қаландарова Зухра

“Ичан-Қалья” давлат музей-қўриқхонаси
Қадимги Хоразм бўлими илмий ходими.

АННОТАЦИЯ: Қадимги Хоразм илм – маърифат ва маданият марказларидан бири сифатида дунёга машҳур бўлғанлиги тарихдан маълум. Бу муқаддас диёрда яшаб ўтган Ал – Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро каби буюк алломалар жаҳон фани хазинасини бебаҳо дурдоналар билан бойитганлар. Мазкур мақола Хива шаҳрининг фахри бўлган улуғ мутафаккир олим Нажмиддин Кубро ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлиб келажакда шаҳримизга ташриф буюрувчи ёш авлод вакиллари ва сайёхларда чуқур хурмат уйготади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Қадимги Хоразм, Хива, тасаввуф, “Нажмиддин” – “диннинг юлдузи”, “Абулжанноб”, “Куният”

XII – XIII аср тасаввуфининг энг ёрқин ва энг улуғ намояндадаридан бири бўлмиш улуғ мутафаккир олим Нажмиддин Кубро ана шундай буюк зотлардан биридир. Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хива шаҳрида дунёга келади:- унинг асл номи Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хевакий ал-Хоразмийдир. Отаси Умар онаси Биби Ҳожар (ҳозирда қабри Хива яқинидаги Саёт қишлоғида). “Нажмиддин”, “Кубро”, “Абулжанноб”, “Валийтарош” сўзлари бул зотга берилган лақаб, унвон ва куниятдир.

Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳотул унс” асарида ёзилишича: - “Аҳмад ёшлигидан илмга қизикиб, ислом асослари шариат илмларини жуда тез ўзлаштириб ўзидағи қобилияти асосида Хоразмнинг мана-ман деган уламоларидан ўзиб кетади ва илмий баҳсларда барчани олқишига сазовар бўлади. Шу боис у “Тамматул Кубаро”, яъни уламоларнинг етуғи, улуғвори ва илм балоси деган лақабни олади. Бунинг ёнига “Нажмиддин” – “диннинг юлдузи” деган мартабали унвон қўшилиб, Аҳмад ибн Умар шундан кейин Нажмиддин Кубро номи билан машҳур бўлади” - дейилган.

“Абулжанноб” сўзи эса Нажмиддин Кубронинг куниятидир. “Куният” - арабларда хурмат юзасидан бериладиган лақабдир. Жомий ҳазратлари ёзадиларки: – “Нажмиддин Кубро Искандария шаҳрида муҳаддис уламолардан ҳадис илмини ўрганиб қайтаётганида, йўлда бир кечада ҳазрати Пайғамбаримизни тушида кўради ва ул зотга мурожаат қилиб, “менга куният бағишиланг” дейди. Шунда ҳазрати Пайғамбар Нажмиддинга: - “Сенинг куниятинг Абулжанноб – дунёдан ижтиноб, парҳез этувчи бўлади”, деб марҳамат қиласидилар. Шундан кейин Кубро “Жанноб” лақабини олишга мушарраф бўлади. “Жанноб – ижтиноб қилувчи, поклик парҳезига амал этгувчи маъносидадир”.

Нажмиддин Кубро Мисрда Шарқ фалсафаси билан шуғулланади ва унинг сирларини ўрганади. У ҳадис илми билан қизиб Нишопурда Абу Маккорим Лубон ва Абу Жафар Самдлоний, Табризда Абу Мансур Ҳафт, Маккан Мукаррамада Абу Мухаммад Таббех ва Искандарияда Абу Тоҳир Салафий хизматларига етишиб улардан ҳадис илмларини ўрганади.

Нажмиддин Кубро – тасаввуфининг машҳур шайхларидан бири “Кубравия” тариқатининг асосчисидир. Нажмиддин Кубро Хоразмга 1185 йилда қайтиб келади. У 25 йилдан ортиқ умрини илм олишга бағишлиайди. У Хоразмга қайтгач, катта хонақоҳ қурдириб Кубравия таълимотига асос солади. Унинг қўли остида юзлаб одамлар тарбияланиб таҳсил олишади.

Инсоният-маънавий оламида энг етук ва энг мураккаб таълимот тасаввуф илмий таълимотидир. Тасаввуф таълимоти Оллоҳга интилиш бўлиб, ўзлигини англаб, қалбининг очилмаган имкониятларини ишга солищ, бу билан Оллоҳнинг каромат нуридан баҳраманд бўлиш учун ўз камолати сари йўл тутиб, яъни инсон ўз руҳини Оллоҳга яқинлаштиради, ўз



рухини Оллоҳ қудратига бағишлишга йўл тутади.

Тариқат илми ўзи учун мужассамлаштирадиган одоб— аҳлоқдир. Маърифат илми авлиёларнинг ўзини англаб этиши сари йўл тутиши, нафсни тийиши, ўзликни йўқотишидир. Ҳақиқат илми эса ўз руҳини Тангри қудрати билан боғлашдир.

Кубровия тариқати ҳам Курони карим ва Ҳадиси шарифдаги таълимот асосида шакллангандир. Комил инсонни тарбиялаш бу тариқатнинг асосий вазифаси бўлиб, Кубровия тариқатида талаб, садоқат, ишқ, муҳаббат, ошиқликнинг инсон учун накадар зарур эканлиги таъкидланади.

Шайх Нажмиддин Кубро ўнлаб асарлар муаллифи ҳамдир. Жумладан, унинг “Фиодобус соликин” (“Соликлар одоби ҳақида”), “Рисола аттул хайф ул – хоим ан лавмат ил – лоим” (“Кўрқувчи овворалар ва маломат этувчи маломатийлар ҳақида”), “Фавойихул жамол” (“Гўзалликни эгаллаш”), “Рубоийлар тўплами”, “Фавойихул жамол ва фавотихул жалол” (“Жамол хушбуйликлари ва жалолнинг кашфи”), “Ал-усул ал –ашара” (“Ўнта усул”), “Рисола ат-турук” номли асарларида Оллоҳни таниш, ҳалоллик ва мардликни улуғлаб, илм олиш ва илм бериш савоби барча мўмин мусулмоннинг бурчидир деган фикрлар олдинга сурилган. Унинг тасаввуф тарихидаги яна бир хизматлари – жавонмардлик ғояларини тариқатга жорий этиш бўлди. Натижада мардлик ва поклик, қаҳрамонлик ва фидойилик, маърифат ва жисмоний-рухий қудрат бирлаштирилди, инсон камолатида аҳлоқий юксаклик, ватанпарварлик ғоялари кўшилиб ифодаланди.

Нажмиддин Кубро кишиларни эзгуликка, илмга, саховат ва мардликка даъват этди. Унинг муридлари орасидан Шайх Нажмиддин Боғдодий, Шайх Фаридиддин Аттор, Султонул уламо Шайх Баҳовуддин Валад, Шайх Саъдиддин Ҳамавий, Шайх Сайфиддин Боҳарзий, Шайх Жалолиддин Гейлий сингари кўплаб мусулмон оламига донғи кетган валий инсонлар этишиб чиққанлар. Нажмиддин Кубронинг муридлари кўп бўлган. Эрон, Арабистон, Кавказ, Шому, Ироқнинг турли жойларидан келиб, улуғ шайх маърифатидан баҳраманд бўлганлар, сұхбатларида иштирок этганлар. Унинг муридлари Кубровия тариқатининг давомчилари ҳисобланадилар. Кубровия тариқати ўз даврида дунёнинг барча ерларига кириб борган. Хоразмлик буюк шайхнинг тариқати бутун дунёга тарқалган. Унинг истеъдодли муридлари донишмандлик, исломий ҳикмат ва инсоний поклик, илоҳий маърифат ғояларини турли миллат ва элатлар орасига ёйдилар.

Кубровия тариқатидан кейинчалик бир қанча шаҳобчалар ажralиб чиқиб, бутун дунёда тасаввуфнинг энг кўп тарқалган йўлларидан бирига айланади. Булар Нажмиддин Кубронинг шогирдлари томонидан тарқатилган бўлиб, шу қуниизгача айrim мамлакатларда турли хил кўринишларда фаолият кўрсатмоқда.

Хинdistонда Фирдавсия, Боғдодда Нурия, Хуросонда Рукния, Кашмирда Ҳамодония Эрон ва айrim ғарб мамлакатларида Америка, Англияда “Нематуллохия” ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Турон замини қадим-қадимдан ватанпарвар, миллатпарвар буюк сиймолар манзил-макони бўлган. Бу юргда яшаб ўтган кўплаб аллома, валий зотлар дунё тарихида ўчмас из қолдиришган Шайх Нажмиддин Кубро 1221 йилда Гурганч мудафаси вақтида мўғуллар билан бўлган жангда шахид бўлган.

Нажмиддин Кубро тарихда буюк алломагина эмас, балки ўз ватанининг озодлиги учун мисллиз мардлик намуналарини кўрсатган миллий қаҳрамон сифатида ҳам ном қолдиргандир. Шайх Нажмиддин Кубро инсоният тарихидаги энг эътиборли сиймолардан биридир, унинг номи Шарқда неча асрлардан буён ватанпарварлик тимсоли бўлиб келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев, Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз / Асарлар. 1-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. — Б. 29.
2. Хива – очиқ осмон остидаги музей. — Т., 1982.
3. Хива – минг гумбаз шахри. — Т., 1997.
4. “Хива – шарқ гавҳари”. /Журнал. 2001.
5. Д.Бобоҷонов, М.Абдурасулов « Абадият фарзандлари» Хива. Хоразм Маъмун академияси нашрёти 2009 йил.



УДК : 160.1

**БАҲОЛАШ ВА НОРМАЛАР МАНТИГИДА БИЛИМЛАРНИНГ ЧИНЛИГИ
МАСАЛАСИ.**

К.Т. Сайдазимов

Ўзбекистон Миллий университети,
ТошПТИ ўқитувчиси
e-mail: kam_s@list.ru

Аннотация. Ушбу мақолада баҳолаш мантиги ва деонтик мантиқда билимларниң чин ёки ёлғон эканлиги таҳлил қилинади. Баҳо ва нормаларда билимлар асосини ташкил қилувчи факторлар, уларниң мантикий қонун ва тамойилари асосида таҳлилий тадқиқоти кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Баҳо ва норма, баҳоловчи, чин ёки ёлғон мулоҳазалар, билиш обьекти, баҳолаш моҳияти, нормаларда акс этувчи ҳақиқат тамойили.

ВОПРОСЫ ИСТИННОСТИ ЗНАНИЯ В ЛОГИКЕ ОЦЕНОК И НОРМ

Аннотация: В данной статье рассматривается анализ истинных и ложных знаний в деонтической и логике оценок. Анализируются факторы знаний в оценках и нормах. А также, рассматривается анализ исследования норм и оценок путём логических законов и принципов.

Ключевые слова: Оценка и норма, оценочные, истинные, ложные высказывания, обьект знаний, сущность оценки, принцип истинности в нормах.

**PROBLEM OF THE TRUTH OF KNOWLEDGE IN THE LOGIC OF
ESTIMATES AND NORMS**

Abstract: This article discusses the analysis of true and false knowledge in the deontic and logic of assessments. The factors of knowledge in assessments and norms are analyzed. And also, the analysis of the study of norms and assessments by means of logical laws and principles is considered.

Key words: Estimates and norm, evaluative, true, false statements, object of knowledge, essence of assessment, principle of truth in norms.

Ижтимоий муҳит доирасида шахслар ўзаро муносабатга киришар экан, аввалам бор ўзларининг жамиятда тутган ўрни, ҳаракати ва шу муносабати натижадорлигини турли ижтимоий, сиёсий, аҳлоқий, хукуқий асослар билан боғлаган ҳолда ижобий ёки салбий мулоҳазаларга эҳтиёж сезади. Шу боис, бугунги кунда баҳолаш ва нормалар мантигидаги билимларниң чинлиги масаласини, уларни мантикий усууллар билан тадқиқ этиш, мулоҳазаларниң чинлик қийматини аниқлаш катта аҳамият касб этади.

Маълумки, қадимдан билимларниң чинлик қийматини аниқлаш долзарб масала бўлиб келган. Сўнгти вақтларда инсонлар томонидан билиш жараёнига, унинг ҳақиқатга яқин бўлган далилларга таяниш, ишониш ва уларга асосланиб ҳатти-харакатларни амалга оширишларини кузатишимиз мумкин. Ўз навбатида, ижтимоий гуманитар фанлар тизими билан объективлиги унинг қадрият, инсон қиймати, мақсадларига мос ёки акс бўлган масалаларни ёритишга эътибор қаратмоқда.

Ҳар қандай дунёни билиш, шу жумладан, илмий билиш ҳар бир тарихий даврда маълум “мантикий тушунчалар тизими”га мувофиқ амалга оширилади. Фаннинг янги обьектларини таҳлил қилишга ўтиши янги тушунчалар тизимига ўтишга сабаб бўлади.¹

Ҳақиқат – воқеиликнинг киши онгига тўғри акс этиши, билимларимизнинг объектив реалликка мос келиши. Ҳақиқат борлиқни билишдаги асосий мақсадлардан бири. У асосан инсон билимлари билан борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муносабат масаласини ўз ичига олади.²

Оlamдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги инсон билими кўпинча субъектив жараёнини

1 Н.Шермуҳамедова. Фалсафа ва фан методологияси. Т. 2008. 299 б.

2 Фалсафа энциклопедик луғат. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Т. 2010. 339 б.



бошидан кечиради. Баҳо ва нормаларни узлуксиз равишда ижтимоий борлиқнинг турли туман кўринишлари, шакллари ва ҳусусиятлари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириб келади. Бунда муҳим бўлган ўзгарувчанлик ва устивор зид муносабатлар асос бўлади. бу муносабатларнинг мавжуд бўлиши жамият ва тафаккур тараққиётининг моҳияти, ривожланишини белгилаб беради. Шунга кўра муносабатларни қуидаги шаклларга ажратамиз. Булар қуидагилардан иборат: ахлоқий муносабатлар, ҳуқуқий муносабатлар, индивидуал-субъектив муносабат, маънавий муносабатлар. Демак, баҳо ва нормалардаги билимларнинг чинлик масаласи кенг қамровли ижтимоий воқеиликка боғлиқ бўлиб, масаланинг ечимини топишда мантиқий воситалар орқали амалга оширилади.

Баҳолаш ва нормалар мантиғининг асосий мақсади – билимлар чинлик шартларини аниқлаш ва эффектив билиш жараёнларини ишлаб чиқишдан иборат. Чунки мантиқий билиш инсон тафаккур маданиятини оширади, жамиятдаги мулоҳазаларнинг мантиқий кетма-кетлилигини ва уларнинг исботланишини ўз ичига олади. Билимларнинг чинлик тамойиллари қуидаги асосий шакллари мавжуд:

1. **Билимларнинг объективлик тамоили.** Фанда воқеа ҳодисаларнинг ички моҳиятини ёритиб беришда, ноаниқликлар, иккилама фикрларни олдини олишни ифода этади.

2. **Билимларнинг ижтимоий конструктивлик тамоили.** Ижтимоий мухитда инсонлар ўртасидаги муносабатларни моҳиятини очиб беради. Чунки инсон ўзининг ижтимоий ҳаракатларини ўзгаларнинг фикру мулоҳазаларига эҳтиёж сезиб, уларга асосланади.

3. **Билимларни интерпретатив тамоили.** Инсон жамиятда ижтимоий ҳатти-харакатлар, мавжуд бўлган ёзма ёки оғзаки манбаларни тушуниш ва мулоҳаза қилишини ифода этади.

4. **Билимларнинг репрезентатив тамоили.** Борлиқдаги воқеа ҳодисаларни инсон томонидан тасаввур қила олишини ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда инсон учун маълумотлар олиш имконияти кенглигини инобатга олган ҳолда, уларнинг чин ёки ёлғон эканлигини исботлаш муҳим ҳисобланади. Албатта, чин ёки ёлғон билимларга таяниш, инсон ҳаёти, ижтимоий мухит, жамиятда барқарорлик ёки салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Фалсафа тарихида бу масалаларга бўлган турли ёндашувни кўриб чиқамиз.

Қадимги Юнонистонда билимларнинг чинлиги масаласида Арасту ҳам ўзининг “Топика” асарида инсон тафаккури ишончли ёки эҳтимолий билимларни ажратади олиши шарт деб билади. Чунки жамиятда қарама-карши, норозилик ҳолатини олдини олишда аниқ илмий усусларни излаб топиш муҳим эканлигини кўрсатади.¹

Фалсафада қарама қаршиликларнинг бирлиги ва кураши қонунига асосланадиган бўлсак, борлиқдаги ҳар қандай воқеа ҳодисалар, жараёнлар қарама қарши бўлган тушунчаларга эга. Шу ўринда мантиқнинг асосий жараёни ҳам билимларнинг чин ёки ёлғон асосларини исботлашадан иборат.

Тўғри ва чин – мулоҳазаларнинг қатъий, мутлоқ сифати бўлиб, тўғри бўлиш – унинг формал мантиқ қонун-қоидаларига мос келишини, чин бўлиш – унинг объектив воқеиликка мос келишини билдиради.²

Ёлғон – фикр мулоҳазаларнинг объектив воқеиликка, чинлиги асосланган ва далил, исбот талаб қилмайдиган муҳокамалар тизимиға мос келмаслиги. Ёлғон ва ҳақиқат мулоҳазаларининг бир-бирига зид тавсифлариридир. Ёлғоннинг турлари:

1. Асли йўқ нарсани тўқиши.
2. Бор нарсага маънони ўзгартириб юборадиган даражада қўшимча қўшиш.
3. Бор нарсага маънони ўзгартириб юборадиган даражада нуқсон етказиш.
4. Бор нарсани гапираётганда маънони ўзгартириб юборадиган даражада ибораларни ўзгартириш.³

Биз ушбу мақолада баҳолаш ва нормалар мантиғида билимларнинг чинлиги масаласи баъзи жихатларини тахлил қилдик холос. Бу масала билан боғлиқ кўпгина муаммолар хали ўз ечимини кутмоқда.

1 Д.В.Джохадзе.Основные этапы развития античной философии. «Наука». М.1977.

2 Файзихўжаева Д. Мантиқ изоҳли лугат. “Тамаддун”. Т.2015. 216 б.

3 Файзихўжаева Д. Мантиқ изоҳли лугат. “Тамаддун”. Т.2015. 68 б.



АБУ АЛИ ИБН СИНО ХОРАЗМДА

Джуманиёзова М.
“Ичан-Қалъа” Давлат музей-қўриқхонаси
илемий ходими
+998975125242
b.madyor@bk.ru

Аннотация: Маколада муаллиф умрини илмга бағишилаган ва дунё тамаддунида ёрқин из қолдирган буюк олим, мутафаккир Абу Али ибн Сино ҳаёти ва фаолияти, унинг илмий-маданий меросини ёритилишини ўз фикр мулоҳазалари билан баён қилган.

Калит сўзлар: Бухоро, Афшона қишлоғи, Хоразмшоҳ Маъмун академияси, Тиб қонунлари, Дорул ҳикмат вал маориф, Маҳмуд Фазнавий

Марказий Осиё ҳалқлари маданиятини Ўрта аср шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан буюк мутафаккирлардан бири — Абу Али ибн Сино бўлиб, у Европада Авиценна номи билан машҳурдир. Ибн Сино (асл исми Ҳусайн, отасининг исми Абдуллоҳ) Бухоронинг Афшона қишлоғида, хижрий 370 (980) йилда туғилган. 986 йилда Абу Али ибн Сино оиласи Бухорога кўчиб келади ва шу вақтдан бошлаб ёш Ҳусайн бошланғич маълумот олишга, илм-фанни ўрганишга киришади. Унинг ёшлиги, йигитлик чоғлари Сомонийлар ҳукмронлигининг сўнгти йилларига, хусусан, Нуҳ II ибн Мансур Сомоний ҳукмронлиги даври (976-997) га тўғри келади.

Абу Али ибн Сино истеъдодли, хотираси кучли, зехри ўтқир бўлганлигидан ўз даврида маълум бўлган илмларни тездан эгаллай бошлади. 10 ёшидаёқ Қуръони Каримни бошдан-оёқ ёд ўқир эди. 13 ёшларидан бошланғич математика, мантиқ, фикҳ, фалсафа илмлари билан шуғуллана бошлайди. Абу Али ибн Сино ёш бўлишига қарамай, Абу Абдуллоҳ Нотилий раҳбарлигига фалсафани, Ҳасан ибн Нуҳ ал-қумрийдан тиббиёт илмини ҳар томонлама ўрганади, аста-секин табиблик билан ҳам шуғулланади. У ўзидан аввал ўтган Шарқ мутафаккирла-ининг асарларини чуқур ўрганиш билан бирга, қадимги юнон табиий-илмий, фалсафий меросини, хусусан Аристотель, Евклид, Птолемей, Гален, Гиппократ, Пифагор, Порфирийларнинг асарларини ҳам қунт билан ўрганди. 16-17 ёшидаёқ Абу Али ибн Сино машҳур табиб — ҳаким бўлиб танилди. Абу Али ибн Сино Бухоро ҳукмдорини даволади ва амирни марҳамати билан Бухоро салтанати кутубхонасига кириш ва ундан эркин фойдаланиш хуқуқини олди. Чунки бу кутубхонага фақат шоҳзодалар ва буюк инсонлар кириши мумкин эди. Шу тартиб билан у учун илмни ўрганиш ва тажриба ортириши учун янги фасл ва имконият вужудга келди. Бухоро кутубхонаси ўз замонасидаги энг катта кутубхоналаридан ҳисобланарди. Ҳамда бир нусхадан иборат бўлган ва қадимий китоблар бу кутубхонада сақланарди. Абу Али ибн Сино 22 ёшида отаси вафот қилди. 997-йилда Абу Райхон Беруний билан ҳат орқали танишиб табиат фалсафаси, физика, астрономиянинг айrim масалалари юзасидан илмий мунозаралар ўтказган. Бу вақтда 999 йилда Сомонийлар давлатиинг заифланиши сабабли Бухоро парокандаликка юзтулди. Бухорони Қорахонийлар ва Газнавийлар босиб олиб нодир китоблар ёкиб ва шаҳарни вайрон қилишган, шундан кейин Абу Али ибн Сино 1000 йилда Бухородан чиқиб кетиб маданият марказларидан бири ҳисобланган Хоразмга борди, шу вақтда Хоразнинг айrim шаҳарларида тарқалган ўлат Вабога қарши курашда Хоразмлик табибларга кўмакдош бўлди ва кейинчалик Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун саройидаги олимларни бирлаштирган ўз замонасининг академиясига қабул қилинди. Хоразм ўша вақтларда тадқиқотчilar ва донишмандларнинг маркази эди ва Хоразмшоҳлар донишмандларни хурмат-эҳтиромлари ва улуғлашларидан баҳраманд бўлди ва бир неча муддат давомида хотиржамлик билан у ерда тадқиқотларини давом эттиради. 1004-1017 йилларда Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганжда ташкил қилинган “Дорул ҳикма” (“Донишмандлар уйи”) Хоразм Маъмун академиясида ижод қилган. Аммо Хоразм 1017 йилда Фазна ҳукмдори Султон Маҳмуд Фазнавий томонидан босиб олиниши арафасида Хоразмшоҳ руҳсати билан кўпгина олимлар билан биргаликда Гурганждан чиқиб кетган. Абу Али ибн Сино Хоразмда Абу Райхон Беруний, ибн Мисқавайх, Абу Саҳл Масихий, Абулхайр Ҳаммор, Абу Наср ибн Ироқ каби етук олимлар билан яқиндан танишди. У



1017 йилдан кейин Эроннинг турли шаҳарларида сарсон-саргардонликда юришга мажбур бўлди. Абивард, Туе, Нишопур шаҳарлари орқали Журжон шахрига келган Абу Али ибн Сино ҳоким қобус ибн Вашмгир саройида машҳур табиб сифатида яшади, бўлажак шогирди Жузжоний билан танишиди. 1019-21 йилларда Ҳамадонда вазир лавозимида хизмат қиласкан, ҳоким билан келиша олмай, 4 ой қамоқда ётиб чиқди. 1023 йилда Исфаҳонга кочди ва бутун умрини илмий асарлар ёзишга бағишилади. Абу Али ибн Синонинг «Китоб ал-қонун фит-тибб», «Китоб ун-нажот», «Китоб ул-инсоф» каби машҳур асарлари, геометрия, астрономия, ўсимлик, ҳайвонот олами, мантиққа оид рисолалари, «Ҳайй ибн Яқзон» фалсафий қиссаси сўнгги йилларда ёзилган. У Исфаҳонда расадхона қуриш билан машғул бўлди. Умрининг сўнгги йилларида феодал урушлар кучайиб кетганлиги, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзи ҳам фаол қатнашганлиги туфайли у Исфаҳон, Рай, Ҳамадон шаҳарлари орасида сарсон-саргардонликда юриб, 1037 йил 18 июнда Исфаҳон шахрида 57 ёшида қулуңж қасаллигидан вафот этди.

Ибн Синонинг ҳаёт йўли ўзи ёзган таржимаи ҳоли ва шогирди Жузжоний томонидан қолдирилган манбалардан маълум. Ибн Синонинг илмий қизиқишилари, дунёқарашининг шаклтанишида қадимги Шарқ маданияти, юони илми, фалсафаси, Марказий Осиё ҳалқларининг мустақиллик учун олиб борган курашлари муҳим роль ўйнади. Ибн Сино таржимаи ҳолида Форобийнинг «Метафизика мақсадлари», «Фусус ул-ҳикам» каби муҳим рисолаларини қунт билан ўргангандиги, улардан кенг фойдаланганлигини таъкидлаб ўтади.

Ибн Сино асарларининг умумий сони 450 дан ошади, лекин бизгача фақат 160 га яқин асари етиб келган, холос. Кўп рисолалари шаҳарма-شاҳар кўчиб юриш, феодал урушлари, сарой тўполонлари, турли фалокатлар туфайли йўқолиб кетган. Кўп манбаларда Абу Али ибн Сино аввало табиб сифатида талқин этилади, ҳолбуки табобат унинг илмий соҳалари орасида энг муҳимларидан биридир. Абу Али ибн Сино асарларининг асосий қисми Яқин ва Ўрта Шарқнинг ўша давр илмий тили хисобланган араб тилида, баъзилари форс тилида ёзилган. Унинг бизга маълум бўлган катта асари «Китоб уш-шифо» («Шифо китоби») 22 жидпдан иборат бўлиб, 4 та катта бўлимни мантиқ, физика, математика, метафизика га дойр масалалар эгаллаган. Унинг айрим қисмлари лотин тилига, Европадаги бошқа тилларга, шарқ тилларига, шунингдек, рус, ўзбек тилларига таржима қилинган. 20 жилдан иборат бўлган «Китоб ул-инсоф» («Инсоф китоби») бизгача етиб келмаган, чунки Исфаҳондаги ёнфинда йўқолган. «Китоб ун-нажот» («Нажот китоби») 4 катта қисмдан — мантиқ, физика, математика, метафизикадан иборат, «Китоб лисон ул-араб» («Араб тили китоби») 10 жилдни ташил этади. «Донишнома» форс тилида ёзилган бўлиб, 4 қисмни — мантиқ, физика, математика, метафизикани ўз ичига олади. Унинг Аристотель (Аратсту) таълимоти хусусида Хоразмлик Абу Райхон Беруний билан ва ўзининг шогирди — озарбайжонлик мутафаккир Бахманёр билан ёзишмалари фан оламида машҳур. Айниқса, табобат, у билан боғлиқ ҳолда анатомия, психология, фармакология, терапия, хирургия, диагностика, гигиена каби илмлар Абу Али ибн Сино ижодида бир қанча янги ихтиrolар билан бойиди ва янги босқичга кўтарилиди. Булардан ташқари, кимё, минералология, астрономия, математика, ўсимлик дунёси, геологик жараёнларни ўрганиш соҳасида ҳам у янги янги фикрларни олға суро олди. Абу Али ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги асарларидан «Китоб ал-қонун фит-тибб» («Тиб қонунлари»), «Китоб ул-қуланж» («Ичак санчиқлари»), «Китоб ун-набз» («Томир кўриш ҳақида китоб»), «Фуж ул-тиббийа жориа фи мажлисих» («Тиб ҳақида ҳикматли сўзлар»), «Тадбир ул-манзил» («Туар жойнинг тузилиши»), «Фил-ҳиндубо» («Сачратқи ўсимлиги ҳақида»), «Рисола фи-дастур ит-тиббий» («Тиббий кўрсатмалар ҳақида») каби асарлари мавжуд. Унинг тиббиётга оид комусий асари «Китоб ал-қонун фит-тибб» 5 мустақил катта асардан таркиб топган: уларнинг ҳар бири маълум соҳани изчил, ҳар томонлама ёритиб берган.

Абу Али ибн Сино ўзининг кўп тармоқли маҳсулдор ижоди, бой мероси билан жаҳон маданияти тараққиётида катта роль ўйнаб бутун Шарқ ва Европадаги маърифат, маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатди. У ўз даврида Шарқ ва Европада «Шайх ур-раис», «Олимлар бошлиғи», «Табиблар подшоҳи» каби энг буюк номларга сазовор бўлди. Абу Али ибн Сино машҳур мураббий сифатида Абу Убайд Журжоний, Умар Исфаҳоний, Мухаммад Шерозий, Аҳмад Маъсурий, машҳур Озарбайжон мутафаккири Бахманёр ибн Марзбон, Юсуф Ийлоқий, ажойиб олим ва шоир Умар Ҳайём каби шогирдларини тарбиялади. Уйғониш даври миниатюра ва суратларида Абу Али ибн Сино машҳур қадимги юонон



олимлари Аристотель, Гален, Гиппократ, Птолемей, Эвклид билан бир қаторда тасвирланган. Ўсимликларнинг биринчи илмий таснифини яратган табиатшунос Карл Линней доимо яшил бўлиб турувчи бир ўсимликни Абу Али ибн Сино шарафига «Авиценния» деб атади.

Абу Али ибн Сино асарлари Европада XII асрдан бошлаб лотин тилига таржима қилина бошлади. «Тиб қонунлари» асарининг ўзи лотинчада 30 мартадан ортиқ нашр қилинди. Жаҳон олимлари Абу Али ибн Сино асарлари, унинг фаолияти тўғрисида кўпдан бери илмий-тадқиқот ишларини олиб борадилар. Ҳозирда жаҳондаги деярли барча тилларда Абу Али ибн Сино ҳақида асарлар яратилган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мадраҳимов О. Хоразм сўзининг маънолари “Фан ва турмуш”, 1974, №2
2. Фаипов М,Хасан Р. Раззақ О. «Хива табобати» Тошкент 1995 й. 47-48 бет.
- 3.Фуломов Я.Ф.Хоразмнинг сугорилиш тарихи. — Т.: “Фан”, 1959. 23 бет.
4. Ю.А.Рапорт “Культура и искусство древнего Хорезма” Москва 1981.г
5. «Хоразм табобат тарихи экспозициясининг» экскурсия матни.



ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 2-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000